Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 7-may, seshanba № 56 (3249)

Ҳар қайси халқ, ҳар қайси жамият аввалambор, ўзининг юксак интеллектуал салоҳияти, маданият ва маънавияти билан кучлидир.

Ислом КАРИМОВ

Сармишсой: асрларнинг боқий садоси

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ НАВБАҲОР ТУМАНИДА 4-5 МАЙ КУНЛАРИ «АСРЛАР САДОСИ» АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТ ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида асрий анъаналаримиз, муқаддас қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида 2008 йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган «Асрлар садоси» фестивалидан кўзланган асосий мақсад қадимий урф-одат ва анъаналаримиз, миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг турли йўналишларини халқимиз, кенг жамоатчилик, хорижий меҳмонларга яқиндан таништиришдан иборатдир.

Бу йилги фестивалнинг Сармишсойда ўтказилишида ўзига хос маъно бор, албатта. Тарихимизнинг бебаҳо ёдгорликларини ўзида мужассам этган мазкур музей-қўриқхона мамлакатимиз тарихига қизиқувчилар ва сайёҳларни жалб этиб келаётир. Сойнинг икки соҳилидаги қоятошларга ишланган ўн мингдан ортиқ петроглифлар аждодларимиз маданиятининг тараққиётини акс эттирган. Жумладан, тош асарларда оловнинг кашф этилиши, ёввойи ҳайвонларни хонакилаштириш даврлари, чорвачилик маданияти тарихи ва ов жараёнлари тасвирланган.

Тошлардаги суратларнинг маҳорат билан ишлангани юртимизда қадимдан санъат ва маданият юксак даражада ривожлангани, қоятошлар юзасида муайян даврларга оид маданий босқичларнинг акс эттирилиши аждодларимизнинг кенг тафаккур соҳиби бўлганидан далолатдир.

Сой қирғоқларида қадимда экинзорлар ва сувдан унумли фойдаланиш тизими қўлланилгани ҳудудда деҳқончилик маданияти ривожланганидан дарак беради.

Ушбу гўзал масканда «Асрлар садоси» анъанавий олтинчи маданият фестивалига қизғин ҳозирлик кўрилди. Хусусан, ҳудуднинг табиий гўзаллигини янада бойитиш мақсадида сой бўйларига турфа манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди ва гуллар экилди. Миллий маданиятимизнинг асл намуналарини кенг намойиш этиш, хорижий ва маҳаллий сайёҳларни муносиб кутиб олиш ва уларга намунали хизмат кўрсатиш юзасидан ташкилий ишлар уюшқоқлик билан олиб борилди.

Навоий темир йўл вокзали ва Навоий халқаро аэропорти атрофлари байрамона безатилиб, магистрал ва ички автомобил йўлларида кенг кўламли таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилди. Навбаҳор, Нурота ва Кармана туманларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш масканлари барпо этилди.

... 4 май. Соат 10:00. Яшил гилам ёйган, чор-атроф гулларга бурканган Сармишсойда эрта тонгданоқ карнай-сурнай, дутор ва чанқовузнинг сеҳрли наволари таралиб, ҳамюртларимиз ва хорижий меҳмонларни фестивал дебочаси — халқ сайлига чорлади. Майдонга бадиий-фолклор, миллий рақс жамоалари кириб келди. Шу ернинг ўзида барпо этилган мўъжаз саҳналарда ҳар бир бадиий жамоа фестивал учун тайёрлаган мусиқий дастурини ижро этди. Дорбозлар ўйини, улоқ-кўпкари, қўчқор, хўрозлар «жанги» фестивалга янада жўшқинлик, бетакрор миллий руҳ бағишлади.

Бир қатор хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро туризм ярмаркаларида «Асрлар садоси — 2013» анъанавий маданият фестивалининг тақдимотлари ўтказилиб, ушбу ижодий лойиҳа ҳақида хорижликларга атрофлича маълумотлар берилган эди. Бу фестивалда иштирок этиш орқали табаррук заминимизни ўз кўзи билан кўриш, анъана ва қадриятлари, маданияти, самимий ва бағрикенг халқимиз ҳаёти билан яқиндан танишиш истагини билдирган меҳмонлар сафининг тобора кенгайишида муҳим омил бўлди. «Асрлар садоси» фестивалининг асосий тадбирлари билан ҳамюртларимизни кенгроқ таништириш мақсадида Тошкент шаҳридаги «Туркистон» саройида мазкур лойиҳа доирасидаги гала-концерт намойиш этилди.

...Сармишсойда шўх куй-қўшиқлар янгради. Халқ амалий санъати усталари ижодига бағишланган ярмарка бўлиб ўтди. Фестивал учун ҳозирланган махсус расталарда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган халқ амалий санъати усталари, моҳир ҳунармандлар, уларнинг шогирдлари ўз ижод намуналарини томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Нурота каштачилиги, ёрқин ва бетакрор либослари, нақшинкор дўппилари, ёғоч ўймакорлиги, тоштарошликнинг миллий ҳунармандчилигимизда алоҳида ўрни бор.

Махфират Тўрақулова нуроталик чеварларнинг тўртинчи вакили. У ўн еттинчи асрга оид Нурота каштачилиги намуналарини қайта тиклашга муваффақ бўлган. Чевар қизнинг кўз нури, қалб қўри, алоҳида меҳр ва маҳорат билан тиккан сўзана, дўппи, камзул, турфа либослари ҳамюртларимиз ва хорижлик меҳмонларга жуда манзур бўлди.

— Мамлакатимизда миллий ҳунармандлик ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор самарасида маҳалламиз миллий ҳунармандлик марказига айланиб бормоқда, — дейди Махфират Тўрақулова. — Бу ёшларнинг аждодларимиз касб-корига бўлган қизиқиши ва ҳавасининг тобора ортиши, уларга касб-ҳунар ўргатиш, вақтини унумли ва мазмунли ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Сармишсойда шўх яллалар янграб, жозибали рақслар авж олди. Юртимизнинг турли вилоятлари мусиқий меросини намойиш этувчи ўттизга яқин фольклор жамоа, бадиий ҳаваскорлик гуруҳларининг мазкур тадбирга бағишлаб тайёрлаган ранг-баранг дастурлари фестивалга янада кўтаринкилик, завқ бағишлади.

— Ушбу фестивал давомида ўзбек миллий анъана ва қадриятларининг асрлар оша аждодлардан авлодларга эъзозланиб, тобора сайқалланиб келаётганига гувоҳ бўлдим, — дейди Лувр музейининг Шарқ маданияти ва санъати бўлими раҳбари Ронте Рокко (Франция). — Жаҳонда анъанавий маданиятга оид фестивалларни, танловлар кўп. «Асрлар садоси» ўзбек халқининг юксак маънавияти, ижодий-интеллектуал салоҳияти, бетакрор ва бой маданий меросининг ёрқин кўзгуси сифатида барчани ҳаяжонга солади. Сармишсойдаги мана бу тошларга ёзилган битиклар, суратлар, бу ерда ўтган фестивал тадбирларидан буни яққол кўриш мумкин.

Санъат байрами доирасида Бухоро шаҳрида «Ўзбекистон маданий ва маънавий меросида меъморий битикларнинг ўрни: тадқиқот, кашфиёт ва истиқбол» мавзусидаги халқаро анжуман бўлиб ўтди. Манбашунослар, археологлар, меъморлар, олим ва экспертлар, хаттотлар, ноширлар, хорижлик мутахассислар қатнашган мазкур тадбирда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан маънавий меросимизни тадқиқ этишга оид лойиҳа жараёнлари атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан, юртимизнинг турли ҳудудларида ўтказилган экспедицияларда кўплаб зиёратгоҳлар, ёдгорликлар пештоқидаги мингга яқин ҳикматли сўзлар ўрганилди. Айрим обидалардаги хира тортган ёзувлар қайта тикланди. Изланишлар натижасида жамғарма томонидан нашр этилган «Шарқ хаттотлик ва миниатюра санъати намуналари. VII-XI асрлар», «Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар» китоб-албомлари Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи галереясидан ўрин олиб, Россия, Бирлашган Араб Амирликлари, Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро китоб-ярмаркаларида бир неча номинациялар бўйича махсус диплом билан тақдирланди. Тадбир доирасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг меъморий обидаларни ўрганишга оид лойиҳаси доирасида нашр этилган олти китобнинг тақдимоти ҳам ўтказилди. Китоблар Бухоро, Навоий, Андижон, Наманган, Хива, Қорақалпоғистон ҳудудидаги қадимий обидаларда муҳрланган битикларни ўрганишга бағишланган.

(Давоми 4-саҳифада).

ХОТИРА—АБАДИЙ, ЖАСОРАТ—МАНГУ!

Нуронийларнинг доно ўгитлари ва дуолари билан эл кўкаради, юрт яшнайди. 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами муносабати билан юртимизнинг барча гўшаларида уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмоқда. Хайрли ишда касаба уюшма ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Эл-юрт тинчлиги, эрки ва озодлиги учун курашган инсонларни хотирлаш, Ватанимиз истиқболи, турмушимиз ободлиги, халқимизнинг осойишталиги, фаровон ҳаётини ҳимоя қилган, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, мамлакатимиз обрў-эътиборини юксалтиришда ҳисса қўшиб келаётган уруш ва меҳнат фахрийларига ғамхўрлик ва ҳурмат кўрсатиш ҳамда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами нишонланишида касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида касаба уюшмаларининг «Хотира — абадий, жасорат — мангу» акцияси ўтказилиб, II-жаҳон уруши иштирокчилари моддий рағбатлантирилмоқда. Ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотларида бу борада ташкил этилаётган тадбирлар ҳақида мухбирларимиз хабар қилади.

Нуронийлар ардоқда

Иккинчи жаҳон уруши ортда қолганига 68 йил тўлди. Катта ҳаёт синови вазифасини ўтаган бу давр хотиралардан сира ўчмайди. Урушда қатнашган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган кексаларимиз ҳамиша эъзозда.

Иштихон тумани Керайит қишлоғида яшовчи Жўра Раҳмонов 94 ёшни қаршилади. Суронли йиллар синовларидан ўтган отахон умри давомида ҳалол меҳнат қилди. Ёш авлод тарбиясидек муҳим ишга муносиб улуш қўшди.

— Президентимизнинг биз кексаларга эътибори, ғамхўрлиги беқиёс. Хотира ва қадрлаш куни арафасида хонадонимиз қутлаб келувчилар билан тўлиб кетади, — дейди Жўра ота Раҳмонов. — Бу йил Федерация Кенгаши ҳам биз нуронийларга катта совға тайёрлабди.

— Туманимизда истиқомат қилаётган 150 нафар уруш қатнашчилари, фахрийлари ва уларга тенглаштирилган фуқаролар учун байрам ташкил этишни мўлжалладик, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари Каттақўрғон туман кенгаши раиси Ҳаёт Очилов. — Мақсадимиз уруш фахрийларига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликларга касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссасини қўшиш.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Хотира — абадий, жасорат — мангу!» акцияси доирасида касаба уюшмалари шаҳар, туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлар корхона, ташкилот ва муассасаларда ишчи-ходимлар, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, давра суҳбатлари уюштириб, «Саховат», «Мурувват» уйларида, уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида истиқомат қилаётган қариялар, ногирон ҳамда ёлғиз инсонларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратмоқда.

Акция доирасида

— Бошланғич касаба уюшма ташкилотидан миннатдорман, — дейди «Жиззахдон» корхонасининг собиқ ходими, уруш фахрийси, 87 ёшли Шафиқия Гушер.

Мазкур корхонада фаол меҳнат қилаётган Ш.Бойматов, Ш.Умаров, О.Шодиев, Ф.Умаров сингари тўққиз нафар байналмилалчининг ҳар бирига байрам муносабати билан касаба уюшмасининг захира фонди маблағидан моддий ёрдам кўрсатилди.


Шунингдек, акция доирасида вилоятда истиқомат қилаётган 160 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларининг ҳар бирига касаба уюшмаларининг манзилли ёрдами кўрсатилмоқда.

— Урушнинг номи ўчсин, — дейди Бахмал туманининг Данғара қишлоғида истиқомат қилувчи 88 ёшли уруш ногирони Ғиёс ҳожи ота Бекамов. — Бугунги доруломон кунларнинг қадрига етиб яшамоқ кераклигини ҳамиша ёшларга уқтириб келаман. Бахтиёр болажонлар қуршовида бахтли бобо бўлиб умргузаронлик қилаётганимдан Яратганга шукроналар айтаман.

Касаба уюшма фаоллари ташкилотчилигида уруш ва меҳнат фахрийларига байрам совғалари улашиш, буюк алломалар қадамжоларига ҳамда мустақиллик даврида мамлакатимизда бунёд этилган обод манзилларга саёҳатларини уюштириш давом этмоқда.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

КАСАБА УЮШМА СПОРТИ



Спорт билан шуғулланиш учун, албатта, жисмоний тарбия институтини битириш ёки профессионал маҳорат эгаси бўлиш шарт эмас. Хоҳиш ва ирода бўлса бас.

Америкага йўлланма

Бекобод шаҳрининг «Ёшлик» спорт аренасида самбо бўйича фахрийлар ўртасида Ўзбекистон шахсий биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлардан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан 150 га яқин самбочилар 2013 йили Жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун ўтказилган саралаш мусобақасида ўз кучларини синаб кўришди. Уларнинг кўпчилиги республика ва қитъа даражасидаги халқаро турнирлар совриндорлари эканлиги мусобақа нуфузини янада ошириб юборди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари таркибида Кимё соҳаси бўйича Республика бирлашган касаба уюшма қўмитасининг етакчи мутахассиси, самбо бўйича спорт устаси Зайниддин Ўринбоев ҳам халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2007 йили Грецияда бўлиб ўтган XIV Жаҳон чемпионатида у шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олган.

Бекободда 3 кун мобайнида ўтказилган республика биринчилигида ҳам З.Ўринбоев 62 кг. вазнда барча беллашувларни муваффақият билан якунлаб, финал босқичида жамоадоши тошкентлик В.Белобровни мағлубиятга учратди. Шунингдек, мусобақада ўз вазн тоифасида А.Цой (Олмалиқ ш.), Г.Зокиров, П.Тиртишников ва А.Қурбонов (Тошкент ш.), М.Кавляметов (Сирдарё вил.), Д.Ганиев (Қашқадарё вил.), А Қосимов ва Ш.Рустамов (Самарқанд вил.) ғолибликни қўлга киритишди.

Республика чемпионларини АҚШнинг Нью-Жерси шаҳрида фахрийлар ўртасида октябр ойида ўтказиладиган жаҳон чемпионати кутмоқда.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

ТУРИЗМ

Эсда қоларли саёҳат

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан меҳнаткашлар учун 3 кунлик саёҳат уюштирилди.

«Обод турмуш йили» Дастури бўйича режалаштирилган сафар чоғида 45 кишилик жамоа Урганч ва Хива шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди. Умуман, воҳада амалга оширилаётган туб ўзгаришлар барчада катта таассурот қолдирди.

Феруза МАРДИЕВА

Янги меҳмонхона қад ростлайди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги қарорига мувофиқ, Хива шаҳрида касаба уюшмалари меҳмонхонасини қуриш ишлари бошлаб юборилди. 30 ўринга мўлжалланган ушбу меҳмонхона сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишини таъминлаш билан бирга, янги иш ўринлари яратилишини ҳам кафолатлайди.

Ушбу лойиҳа Президентимиз томонидан жорий йил 20 мартда имзоланган «2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарори билан мустаҳкамланган. Қарорга кўра, соҳага 86,8 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, 24 та меҳмонхона қуриш, 4 тасини қайта таъмирлаш, улардаги ўринлар сонини 1550 тадан 2688 тага етказиш каби қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Касаба уюшмалари меҳмонхонасини шу йил охиригача қуриб битказиш режалаштирилган.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири



Ижод эркинлиги ва масъулият муштарак

«Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

«Туркистон» саройида журналистика соҳасида «Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари, фахрий журналистлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch
2013-yil 7-may № 56 (3249)

СЕМИНАР

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган семинардан кўзланган мақсад касаба уюшма етакчиларини тизимда бўлаётган ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, улар ишига имкон қадар амалий кўмак бериш эди. Ўзбекистон тарихи Давлат музейида бўлиб ўтган тадбирда тармоқнинг Тошкент шаҳридаги 220 дан зиёд касаба уюшма ташкилоти етакчилари иштирок этди.



Ўзгаришлар жараёнида

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Абдуҳамид Юлдашев семинарни очар экан, сўнгги йилларда касаба уюшмалари тизимида олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталди. Таъкидлаб ўтилдики, вазирликлар, давлат қўмиталари, банклар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Республика «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий ва спорт тадбирларига эътибор тубдан ўзгаргани эътироф этилди. Айниқса, хотин-қизлар ва ёшларга ҳар жиҳатдан кўмак бериш, қўллаб-қувватлаш мақсадида тизимдаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ва Ёшлар кенгашлари фаолияти янги ёндашув асосида йўлга қўйилди. Ҳудудий, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари улар манфаатини ифода этувчи қатор имтиёзлар билан тўлдирилди ва бу каби хайрли ишлар давом этаётир. Таъкидлаш жоизки, тизим ишини ҳар жиҳатдан намунали тарзда ташкил этиш мақсадида бошланғич ташкилотлар самарадорлигини ошириш бўйича муҳим қадамлар ташланди. Натижада, уларнинг молиявий имконияти янада ошди, ходимларни ҳар жиҳатдан ҳимоялаш, етарли меҳнат шароити яратиб, спорт-соғломлаштириш ишларини кучайтириш учун замин яратилди.

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Нуршод Fиёсов семинар иштирокчилари диққатини бошланғичлар фаолиятини янада жонлаштириш борасида жонбозлик кўрсатишга қаратди.

Шундан сўнг, Бирлашманинг Меҳнатни муҳофаза қилиш, Маданий-маърифий ва спорт ишлари, Ижтимоий суғурта ҳамда Молия бўлимлари мудирлари, тармоқ ходимлари Марказий кенгаши мутахассислари ўз йўналишлари бўйича атрофлича тушунчалар беришди.

Асосий ҳужжат — жамоа шартномаларини тузиш, экспертизадан ўтказиш ҳамда ижросини назорат қилиб бориш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўмак бериш, бандлик масалаларига муфассал тўхталиб ўтилди. Шунингдек, ходимга муносиб иш шароити яратиш, меҳнат муҳофазасига риоя этилишини таъминлаш, яъни турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш чоралари юзасидан қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ходимлар учун санаторийларга, болалар учун эса оромгоҳларга йўлланмалар ажратиш, турли саёҳатлар ташкил этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Қизғин баҳс-мунозаралар жараёнида иштирокчилар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб берилди. Шунингдек, тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши, Бирлашма ҳамда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг вебсайтларида ўз фаолиятларига оид материалларни ёритиб бориш лозимлиги, интернет орқали мулоқот мавжуд масалаларга тезкорлик билан самарали ечим топиш имконияти экани қайд этилди.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан нашр этилган «Меъёрий ҳужжатлар тўплами» семинар иштирокчиларига тақдим этилди. Мазкур тўплам тармоқ ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги барча бошланғич ташкилотларга услубий ёрдам кўрсатиш ва иш жараёнида фойдаланишлари учун мўлжалланган бўлиб, унда касаба уюшмалари фаолиятига доир Низом, Йўриқнома ва Тартиблар ўз ифодасини топган.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ижод эркинлиги ва масъулият муштарак

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, мазкур танлов ташкилий қўмитаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Муҳаммадиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзгартириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ёшлар маънавиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоялар асосида ахборот соҳасига доир қонунчилик тизими изчил такомиллаштирилмоқда. Бу оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларга кўплаб имтиёзлар берилиб, янада қулай шарт-шароитлар яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти ҳам ана шундай рағбат ва эътиборнинг амалдаги ифодасидир. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва «Uzreport» ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур анъанавий танлов касбига садоқат, маънавий жасорат ва Ватанга муҳаббат билан ижод қилаётган журналистлар меҳнатини қадрлашда муҳим омил бўлаётир.

Ижодий беллашувнинг мавқеи, қамрови йил сайин кенгаймоқда. Бугунгача ўтказилган етти танловда 181 нафар журналист асосий ва рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлди. «Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун танловда 410 нафар журналист қарийб 6400 ижодий иши билан қатнашди.

Ғолибларни тақдирлаш, танловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан молиялаштирилди.

Танловнинг Бош миллий мукофотини қўлга киритган «Самарқанд — СТВ» телевизион ижодий уюшмаси махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

— Мамлакатимизда нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи тобора кенгайиб бормоқда, — дейди «Самарқанд — СТВ» телевизион ижодий уюшмаси директори Аъзамжон Салоҳиддинов. — Хусусан, бугунги кунда теле ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг эса 50 фоиздан зиёдини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этмоқда. «Олтин қалам»дек нуфузли танловнинг Бош миллий мукофоти бизга берилиши ҳам юртимизда нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ахборот соҳасини демократлаштириш, жамиятимизда фикрлар ранг-баранглигини таъминлашга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги яққол ифодасидир.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича совриндорлари ҳам диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Тадбирда БМТ, ЮНЕСКО, ЕХҲТ, Жаҳон банки, «Минтақавий мулоқот» (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири

СЎЗ — ЕТАКЧИГА

Яқинда ЎзКУФК Ўқув марказида асосий ишидан озод этилган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раисларининг малакасини ошириш бўйича семинарда қатнашдим. Билдимки, ўрганадиган нарсаларимиз ҳақиқатан кўп экан.

Таассурот

Жумладан, «Меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик асослари. Жамоа шартномалари ва келишувлари», «Меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнида бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ўрни» ҳақида батафсил маълумот берилди. Ижтимоий суғурта бюджети маблағларидан йўлланмалар бериш тартибида жорий этилган ўзгаришлардан бохабар бўлдик.

Ташкил этилган амалий машғулотларда корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича талабларнинг бажарилиши устидан маъмурий-жамоатчилик назоратини олиб бориш услуби, бошланғич ташкилотда конференция, йиғилиш, қўмита мажлисларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тартиби бўйича билимларимизни мустаҳкамладик. Шунингдек, тинглovчиларга компьютер асослари, бошланғич ташкилотларда электрон ҳужжат айланиш тизимини йўлга қўйиш бўйича ҳам сабоқ берилди.

Ўқув давомида ЎзКУФКнинг Даволаш-профилактика марказида тиббий кўрикдан ўтиб, саломатлигимиз юзасидан зарур тавсияларни олдик. Турли маданий тадбирларда қатнашиб, ҳордиқ чиқардик. Пойтахтимизнинг гўзал манзараларини томоша қилиб, қалбимиз ифтихорга тўлди.

Бир сўз билан айтганда, ўқувдан олам-олам таассурот билан қайтдим. Муҳими, янгича йўналиш бизга ташаббускорлик ва омилкорлик кўрсатиш учун ўзига хос илҳом бахш этди.

Абдулла ЖЎРАЕВ,
«Чироқчи пахта тозалаш» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

КОНФЕРЕНЦИЯ

Жойларда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгашига қарашли касаба уюшма ҳудудий қўмиталарининг маъмурият билан биргаликда қўшма йиғилишлари ташкил этилаяпти. Шундай тадбирлардан бири Бухоро минтақавий темир йўл узелида ўтказилди.

Ижро ва вазифалар

Унда узел раҳбарияти ва касаба уюшма ҳудудий қўмитаси томонидан 2011-2012 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси мажбуриятларининг бажарилиши ҳамда 2013-2014 йиллар учун Бухоро МТУ ва касаба уюшма ҳудудий қўмитаси ўртасида тузиладиган жамоа шартномасига асосий эътибор қаратилди.

Авваламбор, жамоа шартномаси мажбуриятларини бажариш бўйича ўтган йилда фаол иш олиб борилгани туфайли жамоа шартномасининг қарийб барча бандлари вақтида бажарилгани таъкидланди.

Узел раҳбарияти ва касаба уюшма ҳудудий қўмитасининг ижтимоий шериклик тамойиллари асосида биргаликда иш олиб бориши натижасида ижобий натижаларга эришилгани эътироф этилди.

Конференцияда ЎзКУФК меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси Дўстмурод Тўйчиев қатнашди ва тузилмавий ўзгаришлар ҳамда жорий йилдаги устувор вазифаларга эътибор қаратди.

Адҳам ДАМИНОВ



Самарқанд шаҳрида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят прокуратураси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида «Ёшларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда янги имкониятлар» мавзусида кўргазмали тадбир ўтказилди.
Суратда: *тадбирдан лавҳа.*

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат

МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Ўтганларни ёд этиш, тирикларни қадрлаш чинакам инсоний фазилат ҳисобланади. Миллий қадриятларимизга уйғун бу эзгу анъана замирида инсонни улуғлашдек олий мақсад ётади.

Эҳтиром

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб «Инсонни ардоқлаш — азиз қадрият» мавзуида ўтказилган маърифий тадбир ҳам ана шундай аҳамиятга эга бўлди.

Тадбир доирасида адабиёт, санъат, фан ва бошқа жабҳаларда узоқ йиллар фаолият юритган аёллар билан бир пиёла чой устида учрашув ташкил этилиб, уларга ҳомийларнинг совғалари ва қўмита ташаккурномалари топширилди. Шунингдек, турли корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 24 нафар ишчи аёл, эҳтиёжманд оила вакилаларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан ҳамкорликда санаторийларга имтиёзли йўлланмалар, мурувват ёрдамлари берилди.

Бундан ташқари, байрам муносабати билан Тошкент шаҳридаги аёллар руҳий шифохонасига ҳомийлик ёрдами сифатида 65 та кровать олиб берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ҲАЛҚАРО ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

Журналистика соҳасида Бош миллий мукофот

«Самарқанд-СТВ» телевизион ижодий уюшмаси — директори **Аъзамжон Салоҳиддинов,** Мамлакатимизда нодавлат электрон ОАВни ривожлантириш ва ахборот соҳасини демократлаштиришга қўшаётган ҳиссаси ҳамда вилоятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид долзарб мавзудаги таҳлилий-танқидий кўрсатувлари учун

Асосий номинациялар

Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):

1-ўрин:

Элмурод Бозоров — ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятининг сиёсий шарҳловчиси, Дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар таҳлили мисолида тинчлик ва барқарорликни қадрлашга даъват этувчи, айниқса, ёшларда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашга қаратилган «Тинчлик учун курашмоқ керак» рукнидаги кўрсатувлари учун

2-ўрин:

Дилшод Бўриев — ЎзМТРК «Тошкент» телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири, Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ободонлаштириш ва коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга оид «Очиқ мулоқот» туркумидаги таҳлилий-танқидий материаллари учун

3-ўрин:

«Рухсор» телерадиоканали (Фарғона вилояти) — ижрочи директори **Дилшодбек Йўлдошев**, Вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, «Мустаҳкам оила йили» ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижроси кенг ёритилган туркум кўрсатувлари учун

Энг яхши журналистик материал учун (радио):

1-ўрин:

Гулбаҳор Давирова — ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканали «Ахборот» информацион эшиттиришлар муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси, Мамлакатимизда ва дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий жараёнлар ва долзарб воқеалар тезкор ёритилган, шунингдек, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши, таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг боришига оид таҳлилий материаллари учун

2-ўрин:

НРТ радиоси «Кун тафсилоти» дастури ижодий гуруҳи — раҳбари **Нигора Хўжаева,** Республикамиз ҳаётининг турли жабҳаларида рўй бераётган янгиланишлар, ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар кенг ёритилган эшиттиришлари учун

3-ўрин:

Дилдора Мардиева — «Yoshlar» телерадиоканали ЁАЖ Маданий-маърифий, илмий-оммабоп ва таълим дастурлари муҳарририяти катта муҳаррири, Жисмонан соғлом, маънан юксак, билимли ёшларни вояга етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, менталитетимизга зид турли ёт таъсирлардан асраш масалаларига бағишланган «Нуқтаи-назар» ва «13-студия» туркум эшиттиришлари учун

Энг яхши журналистик материал учун (босма ОАВ):

1-ўрин:

«Ваш налоговый консультант — Солиқ Инфо» газетаси таҳририяти — бош муҳаррири **Феруза Ҳакимова,** Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг мазмун-моҳиятини, соҳадаги янгиликларни аҳолининг турли қатламларига тезкорлик билан етказишга қаратилган фаолияти учун

2-ўрин:

«Зарафшон» ва «Самаркандский вестник» газеталари бирлашган таҳририяти — бош муҳаррири **Фармон Тошев,** Республика ва вилоят ҳаётидаги демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар кенг ёритилган ҳамда жамиятда учраб турадиган муаммо ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилган материаллари учун

3-ўрин:

Анвар Қулмуродов — «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири ўринбосари, «Мустаҳкам оила йили» ва «Обод турмуш йили» Давлат дастурлари ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар кенг ёритилган мақолалари учун

Энг яхши журналистик материал учун (Интернет-журналистика):

1-ўрин:

Мехрибон Маметова — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Республика ахбороти таҳририяти етакчи муҳаррири, Давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим аҳамиятга молик тадбирлардан тайёрлаган репортажлари, таҳлилий мақолалари, шарҳлари, тезкор хабарлари учун

2-ўрин:

Давронбек Тожиалиев — «ziyouz.com», «ziyouz.uz» веб-сайтлари бош муҳаррири, Халқимизнинг кўп асрлик маънавий қадриятлари, маданиятини кенг тарғиб қилиш, миллий манфаатларимизни ҳимоялаш, ёшларни турли ахборот хуружлари, жумладан, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан асрашга қаратилган журналистик фаолияти учун

3-ўрин:

Александра Терехина — «Учитель Узбекистана» газетаси мухбири, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига доир туркум мақолалари учун

Халқаро ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари:
БМТ АХБОРОТ МАРКАЗИ

Мингйиллик ривожланиш мақсадларини рўёбга чиқариш масалалари ёритилган энг яхши материал учун:

Азамат Суюнов — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бирлашган таҳририяти масъул котиби

ЮНЕСКО

Барқарор тараққиёт: таълим, фан ва техника масалалари бўйича энг яхши таҳлилий материал учун:

Муталибжон Каримов — Фарғона вилояти Қўштепа тумани «Истиқбол йўли» газетаси масъул котиби

ЕХҲТ

1. «Гиёҳвандлик — хавфсизликка трансмиллий таҳдид» мавзусидаги энг яхши материал учун:

Георгий Петросян — Ўзбекистон Республикаси ИИВ бирлашган таҳририяти масъул котиби ёрдамчиси

2. «Одам савдоси — хавфсизликка таҳдид» мавзусидаги энг яхши материал учун:

Наргис Қосимова — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факултети доценти

ЖАҲОН БАНКИ

«Халқ таълимига киритилган инвестициялар» мавзусидаги энг яхши материал учун:

Улуғбек Асроров — «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги шарҳловчиси

«МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТ» (Словения)

Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш мавзусидаги энг яхши журналистик материал учун:

1. «Диёнат» газетаси таҳририяти — бош муҳаррир **Исроил Юсупов**

2. Тошпўлат Раҳматуллаев — фахрий журналист

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ


«Обод турмуш йили»га бағишланган энг яхши журналистик материал учун:

1. Алланазар Абдиев — «Маданият ва спорт» газетаси бош муҳаррири (Қорақалпоғистон Республикаси)

2. Муҳаммаджон Мақсудов — Наманган вилояти телерадиокомпанияси директори

Ishonch
2013-yil 7-may № 56 (3249)

Она сурати



Мен рассом бўлганимда, энг аввало онамнинг суратини чизардим. Ишончим комилки, бу расм дунёда энг яхши асарлардан бирига айланиши мумкин эди. Лекин рассом эмасман, касбим тақозоси билан онамнинг нурли сиймоларини сўз билан чизишга ҳаракат қиламан...

Китобхонлар мендан «Қайси асарингиз онангизга бағишланган?» дея тез-тез сўраб туришади. Агар савол бағишлов нуқтаи назаридан берилган бўлса, албатта, «Айрилиқ остонаси» тарихий романим ота-онамга бағишланган, дея жавоб бераман. Синчков ўқувчилар саволни бошқачароқ қўйишади: «Йўқ, қайси китобингизда онангизнинг сиймолари тасвирланган?». Мен шундай жавоб қиламан: «Деярли ҳар бир ҳикоя, қисса, романимда онамни тасвирлашга ҳаракат қилганман, ҳар бир асаримда волидамнинг нафаси бор. Бу жуда табиий. Ахир, томиримда онамнинг қони оқиб тургач, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас».

Бир қиссамда шундай манзара бор: «Тўлин ой шуъласи тўлқинлар елкасида парча-парча бўлиб, олис-олисларга оқиб кетмоқда эди...». Айтмоқчиманки, ёзувчи онги, шуури, жисмижони шу ой шуъласига ўхшаб асарларига кўчади. Онаизор ҳам худди шундай. Унинг жисми жони фарзанди камолида яшайди.

...Онам вафотидан уч йилча олдин касалхонага ётди. Эрта кўклам, ҳаво хийла совуқ эди. Тузалиб чиққанидан сўнг, ўзига оддийгина матодан чопон тикди. Дарвоқе, онам жуда чевар, пазанда аёл эди.

Онагинам шу чопонни кийиб супага чиққанида узоқ вақт тикилиб қолдим. Ёқалари жимжимали янги либос шунчалар ярашган эдики, мен атрофларида гирдикапалак бўлиб, дам яқиндан, дам узоқдан разм солардим. Табиатан камтар, камсуқумгина онам ийманиб шундай деди:

— Ҳа, ўғлим, дийдоримга тўймоқчи бўляпсанми?

Мен хийла ёш бўлсам-да, бу гапда қандайдир андуҳ, дард борлигини фахмлаб, дарҳол эътироз қилдим.

— Йўқ, онажон, касалхонадалигингизда сизни жуда соғиндим... Шунинг учун...

— Майли, болам, — дедилар синиқ жилмайиб. — Ҳазиллашдим. Сирасини айтсам, она ҳам, бола ҳам бир-бирининг дийдорига ҳеч тўёлмаса керак...

Биз ҳовлидаги сўрига омонатгина ўтириб, суҳбатлашардик. Унинг синиқ табассуми юрагимни ўртаб юборди. Чунки онамнинг кўзлари жуда ғамгин эди. Буни яқинда касалдан турганликларига йўйишга ҳар қанча ҳаракат қилмайин, юрагимни нимадир тимдалайверди.

Энди ўйлаб қарасам, ўшанда ҳар иккимиз қандайдир илоҳий идрок билан ўзимизни нималар кутаётганини англагандек бўлган эканмиз, чамаси.

Ҳозир онамнинг сиймосини чизмоқчи бўляпман-у, унинг ўша навбаҳор кунидаги синиқ-паришон табассумли чеҳраси, ғамгин кўзлари дийдам олдида яққол кўриниб турибди. 45 йилдирки, эсладим дегунча, ўша чеҳра кўз ўнгимда гавдаланаверади. Уйимизда онамнинг талайгина сурати бор, лекин уларнинг ҳеч бири ўша баҳор кунидаги сиймони такрорлай олмайди.

... Узр, мен воқеалар ривожидан анча ўзиб кетдим. Аслида онам билан ўша суҳбатдан кейинги тафсилотларни айтиб беришим керак.

Хуллас, онам касалхонадан қайтганидан сўнг, бироз ўнглангандек эди. Кўп ўтмай, ўйинқароқлигим оқибатида қаттиқ шамоллаб ётиб қолдим. Аҳволим хийла оғир эди, онагинам туну кун тепамда кўз ёш тўкиб ўтириб, чўпдай озиб кетди. Иситмада ёниб ётган тунларимнинг бирида алламаҳалда илтижоли товушдан уйғониб кетдим.

— Ё, Худо, — тавалло қиларди онам, — болагинамга тезроқ шифо бер! Наҳот, шафқат қилмасанг?! Беш фарзандни тупроққа топшириб, адои-тамом бўлдим-ку! Художон, ўзинг ўғлимга шифо бергайсан!..

Уйғоқ эсам-да, қуйилиб келаётган кўз ёшларимни ютиб, жимгина ётавердим. Онам тонггача илтижо қилиб чиқди ва мўъжизани қарангки, ўша кундан эътиборан тузала бошладим. Орадан 2-3 кун ўтиб, оёққа турдим.

Онам атрофимда гиргиттон, ҳали у овқат, ҳали бу овқатни пиширib беради. Иккимиз ёлғиз қолдик дегунча, нуқул бошимни силаб, худога шукрона айтиб, кўз ёшли жилмаяди.

Тез орада бутунлай тузалиб, ўртоқларим билан копток тепа бошладим. Онам эса яна касал бўлиб қолди ва шу тариқа орадан бир неча йил ўтиб кетганига қарамай, ўзини қийнаган дарддан бутунлай қутула олмади.

Онам башорат қилган экан. Чиндан ҳам у кишининг дийдорига тўёлмадим. Қишнинг қаҳратон, қора бир тунида вафот этди. Хизмат вазифаси тақозоси ила ўша тунда мен қишлоқда эмасдим. Босмахонада туман газетасининг навбатдаги сонини чоп этиш билан банд бўлиб, бошимга тушган мусибатдан хабарсиз эдим. Машъум хабарни тонг қоронғисида эшитдим-у, қишлоқ томон пиёда йўлга тушдим.

Ёмғир аралаш қор ёғар, кўз ёшларимни юта-юта, югуриб борардим. Эшитган хабарим ёлғон бўлиб чиқишига умид қилардим...

Олти чақирим масофани қандай босиб ўтганимни билмайман. Уст-бошим, юз-кўзларим музлаб қолганди. Қишлоққа етиб келганимда тонг ота бошлаган эди. Ланг очиқ гужум дарвоза олдида чопон кийиб, ҳасса ушлаган отам ва акамни кўриб, сўнгги умид ҳам пучга чиқди, гурсиллаб ерга қуладим...

Кўзларимни очганимда отам тепамда турарди.

— Ўзингни қўлга ол, ўғлим. Ўлим ҳақ. Чидашдан ўзга чорамиз йўқ...

Мен чидадим... Биз ҳаммамиз чидадик. Ўзга чорамиз йўқ эди...

Ўшанда далвнинг 21 санаси эди. Мен бу санани жуда ёмон кўриб қолдим, ҳамон ёмон кўраман. Орадан қирқ беш йилдан кўпроқ вақт ўтяпти ҳамки, бу қора кун хотираси менга тинчлик бермайди. Шу санани юрагим увишиб қаршилайман, бир неча кун кайфиятим бузилиб, ўзимга келолмай юраман. Бу одатдан қутилишга чандон уринмайин, қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Қор аралаш ёмғир ёғса ҳам шундай ҳолатга тушаман. Волидамнинг хотирамда мангуга муҳрланиб қолган ўша навбаҳор кунидаги синиқ табассумли чеҳраси кўзим олдидан ўтаверади...

* * *

Мен рассом эмасман. Шу боис волидаи муҳтарамамнинг сиймоларини сўзлар воситаси ила тасвирлайман, дея анчагина қоғоз қораладим. Лекин сира кўнглим тўлмаяпти... Дарвоқе, невараларим Ирода, Сурайё, Гулҳаё онамга худди қуйиб қўйгандек ўхшашади. Ўша киприклар, қош-кўзлар, ўша чеҳра...

Мен онамнинг мукаммал суратларини яратиш учун ҳаракат қилаётганимда азал мусаввири ул мўътабар зотнинг сурат ва сийратини давом этаётган Умр, Ҳаёт, Муҳаббат ила неваралрим сиймосида аллақачон чизиб улгурган экан!..

Жўра ФОЗИЛ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Бухоро вилояти «SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамияти «Очиқ танлов» савдоларига таклиф этади.

1. Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро шаҳар ҳокимининг 2013 йил 23 апрелдаги 531-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга Бухоро шаҳар Ўтрор турар жой мавзесидан автомобилларга сиқилган газ қуйиш шохобчаси қурилиши учун мўлжалланган 0.5 (нол бутун ўндан беш) га ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда: Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 3 530 400 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов ғолиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан берилади. Танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома асосида мажбуриятларни 12 ой муддат ичида бажариши шарт.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш эълон матбуотда чоп этилган кундан бошланади ва савдо кунидан 1 кун олдин тўхтатилади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Танлов ташкилотчиси» **«SHAD SAVDO ZAMIN»** масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар Ипотека банк Сардор филиалидаги МФО 00119 СТИР 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги закалат пуллари тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 10 июн куни соат 11:00 да очилади ва 2013 йил 10 июн куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 10 июндаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йил 17, 24 июн ва 01 июл кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида савдо куни соат 11:00 да очилади ва шу куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баровари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этишлари керак:

— юридик шахслар-давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, танловда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар-паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха;

—танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси 10-уй. Телефон: 8 (365) 223-69-62.

Лицензия RR-0048

Инсон дунёга синов учун келади ва умри давомида кўплаб тўсиқларга учрайди. Албатта, бу машаққатларни енгиб ўтиш осон эмас. Одамийлик даражасидан комил инсон бўлгунча, хайрли ишлар қилдириш мақсадида бутун умрини меҳнатга бағишлайди. Ана шундай инсонлардан бири марҳум Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди устозим Эркин Эргашев эди.

Ҳақиқат уруғи

Болалигимда шаҳримиздаги 29-мактабда (Э.Эргашев раҳбар эди ўшанда) таҳсил олганман. 10 йил мактабнинг энг фаол, ижодкор ўқувчиси бўлганман. 5-6-синфда ўқиб юрган кезларим мактабимизга ташриф буюрган бир гуруҳ меҳмонларнинг «Келажакда ким бўлмоқчисан?», деган сўровига оғзимни тўлдириб «Улғайсам, албатта, Эркин Эргашевич бўламан!», деган эканман.

Ўйлаб қарасам, устозим босиб ўтган табаррук йўлдан мен ҳам боряпман. Оддий ўқитувчиликдан тортиб мактаб ташкилотчиси, маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари, мактаб директори, халқ таълими бўлими услубчи-назоратчиси каби вазифаларда ишладим ва ишламоқдаман.

Устозим билан етти йил давомида шаҳар халқ таълими бўлимида бирга ишлаб, кўп нарсаларни ўргандим. Халқимизда шундай ажойиб гап бор: «Отанинг, устознинг муқаддас вазифаси фарзанд, шогирд қалбига ҳақиқат уруғини экмоқдир». Зеро, домла ана шундай ота ва устоз эди. Унинг ибрат олса арзигулик бир одати бор эди: таълим тизимида ишлайдиган ҳар бир ходимнинг таваллуд кунини аниқ биларди. ХТБ идорасида ҳар душанба аппарат йиғилиши бўлса, навбатдан ташқари йиғилишлар фақат кимнингдир туғилган куни муносабати билан чақирилар ва бу йиғилишда Э.Эргашев бир қучоқ гул билан ўрнидан тик турган ҳолда бизни табриклар эди. Ўта қаттиққўл ва жиддий инсондан табассум ила ўзи ҳақидаги илиқ сўзларни эшитган ҳар бир ходим еттинчи осмонда учиши аниқ эди. Домладан сўнг барча ходимлар ҳам таваллуд кун эгасини табриклардик. Домла нафақага чиқиб кетганида энди бизни ким табриклар экан, деган ўй келди хаёлимизга. Бироқ, ҳар галгидек туғилган кунимизнинг эрта тонгида биринчи бўлиб устоз қўнғироқ қилар ва самимий табриклашни унутмасди.

Соғлом оилада аёлнинг ўрни бўлакча. Эркин Эргашевичнинг ёши 70 га бориб қолган бўлса-да, 30-40 ёшли йигитлардек қирчиллаб юришида рафиқаси Камола опанинг ҳиссаси катта бўлган. Доимо халқ ташвишида бўлган раҳбар, ташкилотчи билан тил топишиб яшашнинг ўзи бўлмайди. Буларнинг барча-барчаси Камола опадаги сабр-тоқат, эътиқод, оилага бўлган вафодорлик нақадар кучли эканлигини кўрсатади.

73 ёш. Шундан 45 йили таълимга бахшида этилган умр бўлди. Бу йиллар давомида таълим тизимида устозимиз кўплаб савобли ишларга қўл урди. Шунингдек, 100 дан ортиқ илмий-тадқиқот ишларини яратиб, долзарб мавзулардаги назарий ва амалий масалаларни ёритиб берди.

У ходимларга фақат тўғрилик, ҳалолликни, меҳнатсеварликни ўргатди. Устозим ташкилотчи раҳбар сифатида ўзидан эзгу ном қолдирди.

Куни кеча ўзининг дилкаш суҳбати-ю, салобати билан даврага файз бериб турган инсон бир лаҳзада тарихга айланиб қолди. Ақлга сиғмайди, кўнгил кўника олмайди. Қалблар унсизгина йиғлайди. Самимият ила берган панду насиҳатлари хотирамиздан кетмайди.

1997 йилда (25 ёшимда) менга «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони топширилган паллада устозим шундай деганди: «Мансуржон, инсон амал, мансаб, обрў кетидан қувиб яшамайди. Шундай инсон бўлингки, буларнинг барчаси сизни қувиб яшасин». Устозимнинг ўгитлари мен учун шиор бўлиб қолди.

Сўзларимга якун ясар эканман, Мақсуд Шайхзоданинг қуйидаги шеърий мисралари беихтиёр ёдимга тушади.

Дўстлар, яхшиларни авайлаб асранг,
Салом деган сўзнинг салмоғин оқланг.
Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан,
Уни тиригида бир соат йўқланг.

Мансур КОМИЛОВ,
Қўқон шаҳридаги 8-умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари



● Тошкентдаги Хотира майдонида 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан «Авлодлар учрашуви» ўтказилди. Унда Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, таълим-тарбия соҳаси ходимлари, курсантлар иштирок этди.

Суратда: тадбир иштирокчилари.
Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат

Турсунпўлат Холмуҳаммедов оз эмас, кўп эмас, қарийб қирқ йилдан зиёд болалар дунёси билан яшади, бу беғубор оламнинг сирларидан воқиф бўлиб, «Ғунча» журналида фаолият юритди. Бу журналга 1958 йилда Ғафур Ғулом асос солган бўлиб, академик шоиримиз болажонларни гулнинг ғунчасига қиёслаб, эндигина ниш уриб турган ниҳолга ўхшатиб, унга «Ғунча» деб ном қўйиб берган экан.

80 билан сирлашиб

Турсунпўлат ака «Дарахт бир жойда кўкаради», деган нақлга амал қилиб «Ғунча» журналида аввал техник муҳаррир, рассом, бадиий муҳаррир вазифаларида сидқидилдан хизмат қилди. У касаба уюшмаси ишида фаол иштирок этди. Унинг кўп йиллик самарали меҳнати қадр топиб, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси сифатида нуфузли мукофотларга сазовор бўлди.

— Хотира уйғонса, гўзалдир, деб тўғри айтишган. Бугун мен билан ишлаган меҳр-оқибатли одамларни эслаганимда тўлқинланиб кетаман. Сизларга қайси бирларини таърифлай, — дейди отахон кўзлари ёшланиб. — Ҳаётда менинг икки онам бор. Бири жуда эрта оламдан ўтиб кетган бўлса, иккинчиси халқимизнинг севимли шоираси Зулфия Исроиловадир. Опа мени ҳар гал учратганларида, елкамга қоқиб: «Турсунпўлат, ишлар қалай, мендан қандай ёрдам керак», дердилар. Ана шу сўзидан бутун чарчоқларим, бор ғуборларим, нимадандир норозиликларим бир зумда тарқаб кетарди. Отам сифатида эса ҳеч иккиланмай, севимли ёзувчимиз Шуҳрат домлани айтган бўлардим. Бу азиз устозлардан бутун умр миннатдорман. Улар менга ҳамиша беминнат ёрдам бериб, қўллаб-қувватлашди. Бу яхшиликларни бирор нарса билан сийлаб, қайтара олмаганимдан афсусланаман. Илоҳим, шу икки жаннатий инсоннинг охиратлари обод бўлсин, мендан қайтмаган яхшиликлари уларнинг фарзандларига Оллоҳдан қайтсин.

Отахон бироз тин олиб, сўзида давом этди.

— Бир куни мени Мақсуд Шайхзоданинг олдига иш билан юборишди. Шоир бетоб экан. Эшикни унинг аёли очди. Шу пайтда қандайдир дори керак бўлиб турган экан, ёзиб берди. Мен дарҳол бориб уни олиб келиб бердим-да, чиқиб кетаётган эдим: – «Тўхтанг, ўғлим, бунинг акс-садоси нима бўлади», деб қолди шоир. Мен қизариб, «Эй домла, шу арзимаган нарсага ҳам пул оламанми, дуо қилинг», десам, «Ўғлим, тузалиб кетишимни, оёққа туришимни истасангиз, пулни дарҳол олинг, бўлмаса дорингизни ичмай, тузалмай ётаверaман», дедилар жиддий қиёфада. Мақсуд Шайхзода ана шундай саховатда тенги йўқ ва ўта зукко инсон эди. Пўлат Мўминдек, Қуддус Муҳаммадийдек юзларидан нур таралиб турадиган буюк инсонлар билан бир ҳаводан нафас олиб, бир стол атрофида ўтирганинимнинг ўзи мен учун энг катта бойлик эди. Бундай бағрикенг устозларнинг қайси бирларини сизларга сўзлаб берай. Шу ўринда «Ғунча» журналининг юраги бўлмиш Маҳмуд Муродовни эсламай ўтолмайман. У шунчалар беғубор, шунчалар кўнгли тоза инсон эдики, агарда орамиздан иш юзасидан бирор енгилроқ гап ўтиб қолса ҳам, йўл топиб кўнглимизни олиш пайида бўларди. Бебаҳо, камсуқум, меҳридарё ана шундай инсонлар билан ишлаганимдан беҳад хурсандман. Айниқса, «Ғунча» журналининг ўша даврдаги бош муҳаррири Яйрахондек оқила ва дилбар аёл билан ёнма-ён ишлаганимни сира-сира ёдимдан чиқармайман. Яна ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга тотган қадрдонларим — Фарҳод Мусажонов, Миразиз Аъзам, «Саодат» журналида узоқ йил ишлаган Олимжон ака, «Тонг юлдузи» газетасининг фидойи, ва камтарин фотомухбири Равил Альбеков, қисқаси, мени билган ва билмаган дўст-ёрларимга, меҳнаткаш қалам аҳлига соғлик-саломатлик, ижодий парвозлар тилайман.

Мана бугун 80 ёшга тўлдим. Нафисахон билан тўрт фарзандни вояга етказиб, уйли-жойли қилдик. Уч қизим, бир ўғлим, 11 набира ва бир эварам бор. Шундай умр йўлдошим, фарзандларим борлигидан фахрланаман. Биз Нафисахон билан маънан бой турмуш кечирдик. Худога шукур, ҳеч кимдан кам ҳам, қарз ҳам эмасмиз. Бир-биридан ширин набираларим атрофимизда парвона, фарзандларимизнинг олдида ҳам юзимиз ёруғ. Уларга катта мерос қолдирмаётган бўлсак-да, бир уй китоб, газета-журналлардан иборат маънавий мерос қолдирдик.

Биз ҳам, ўз навбатида, отахонни табаррук ёши билан муборакбод этамиз.

Манзура УБАЙДУЛЛАЕВА

«Surxondaryo mulk markazi» МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг 2013 йил 15 апрелдаги 50-Ф-сонли фармойишига асосан вилоят ҳокимлигининг тасарруфида бўлган, Термиз шаҳар, С.Саодат кўчаси 56-уйда сақланаётган Суперсалон русумли, д/р 19 SV 007 бўлган 1997 йил и/ч, таъмирталаб автомашина. Б/б 5 878 000.

Аукцион савдоси 2013 йил 7 июн куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2013 йил 5 июн куни соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2013 йил 7 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 21 июн куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 19 июн куни соат 18:00.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАБ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: Х/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй. «Тадбиркорлик маркази» биноси.

25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

УТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Ботир ТОШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзметмашсаноат» тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, Машинасозлик саноати соҳалари Республика бирлашган касаба уюшма қўмитаси ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Тошкент «Агрегат заводи» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

Самандар УМАРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ishonch
2013-yil 7-may № 56 (3249)



Гурунг

Сармишсой: асрларнинг боқий садоси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шу куни Когон туманидаги Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида «Меҳр нури» жамғармаси томонидан қайта таъмирланган «Биби Орифа» меъморий обидасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Айни пайтда Маънавий билимларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида ихтисослаштирилган таълим даргоҳларининг 20 нафар иқтидорли талабасига стипендиялар топширилди.

— Мамлакатингиздаги тинч ва осуда, фаровон ҳаёт, Ўзбекистоннинг тараққиёт сари дадил одимлаб бораётгани, маънавият ва маърифат ривожи йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор шу каби ёрқин фестивалларнинг юксак савияда, шоду хуррамлик билан ўтказилишида муҳим омил бўлмоқда, — деди италиялик хонанда Массимо Гальфано. — Бу табаррук заминдаги файзли ва обод, гавжум масканлар, халқингизнинг самимий, очиқ ва бахтиёр чеҳраси, юз-кўзидаги шукроналик туйғусига жуда-жуда ҳавасим келди. Италияга қайтгач, гўзал Ўзбекистон ҳақида қўшиқ яратмоқчиман.



5 май куни Сармишсой дарасида халқ сайиллари, кўргазма-ярмаркалар, полвонлар кураши, миллий ўйинлар, фолклор жамоаларининг чиқишлари, бахшилар ижролари, лапар ва айтишувлар давом этди. Ўзбек пазандалик мактабининг бой анъаналарини намойиш этувчи Миллий таомлар фестивали ҳамда ошпазлар мусобақаси бўлиб ўтди.

Фестивалнинг ёрқин тадбирларидан яна бири — Миллий либослар намойишида ўзбек миллий либосларининг тарихи, қадимдан шаклланган анъаналари, бугуни ва истиқболи ҳақида маълумот берилди. Либосларнинг Зарафшон воҳасига хос жиҳатлари — яшил, зангори, бинафша тусли, ўзига хос бичими, гўзал нақш каштали кийимлар билан бирга анъанавий либослар, замонавий мода намойиши фестивал иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— «Асрлар садоси» ижодий лойиҳаси мазмун-моҳияти, аҳамияти, тадбирлари қўламининг ғоят кенглиги ва ранг-баранглиги билан мени мафтун этди, — дейди Канада университети профессори, тарихчи олим Давид Схиммельпэннинк ван дер Ойе. — Изчил тараққий этаётган, тобора чирой очиб бораётган Ўзбекистонда ибратли анъана ва қадриятлар бардавомлигини таъминлаш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор барчанинг ҳавасини тортмоқда. Буларнинг бари Ўзбекистоннинг истиқболи янада буюк эканидан далолат беради.

Қўҳна тарих, қадимий ва бой маданий меросни ўз бағрида сақлаб келаётган Сармишсойга оқшом тушди. Рангин чироқлар, турфа безаклар бу масканга ўзгача шукуҳ, байрамона кайфият бағишлади. Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросимида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Г.Каримова илм-фан, санъат ва маданият, маънавият ва маърифат муттасил ривожланиб бораётган мамлакатимизда «Асрлар садоси» каби фестивалларнинг юқори савияда, байрамона руҳда ўтказилиши янгидан-янги ижодий лойиҳалар, изланиш ва тадқиқотларни олиб бориш, бой маънавий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсини янада ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришдек улуғвор мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Фолклор жамоалари, турли танловлар ғолиблари — ижрочи ёшлар, санъат усталари, хорижлик хонанда ва созандалар иштирокидаги катта концерт тадбир қатнашчиларида унутилмас таассурот қолдирди. Фестивалнинг энг фаол иштирокчиларига диплом ва совғалар топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
Нуриддин РАҲИМОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида»ги, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва шаҳар ҳокимининг ушбу масалага оид қарорлари ижросига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Ихчам тўйга не етсин

— Бугунги кунда фуқаролар йиғинларида жамоатчилик кенгашлари ташкил этилган бўлиб, улар тўй ва бошқа маросимларни ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказишни тарғиб этаяпти, аҳолига тавсиялар бериш ҳамда тушунтириш ишлари олиб бораяпти, — деди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳмонова. — Тўй-ҳашам, маросим ва оилавий тадбирларни мувофиқлаштирувчи Жамоатчилик Кенгаши томонидан барча тўйхоналар фаолияти доимий назоратга олинган. Шунингдек, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Оила» маркази ҳамкорлигида «Тўй ва маросимлар — маънавият, қадрият» мавзусида буклетлар тайёрланиб, жойлардаги ФҲДЁ бўлимларига тарқатилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида оилаларнинг тўй харажатлари сезиларли даражада камайди. Шунингдек, тўйхона раҳбарлари масъулиятини ошириш ҳамда тўйхона эгалари томонидан келинкуёвларнинг никоҳ ёшига етган ёки етмаганликларини аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси томонидан тарқатилган намуна асосида ўтган йилдан бошлаб тўйларни қайд этиш дафтарларни юритиш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, 476 та маҳаллада 13 000 дан зиёд тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, уларда 700 мингдан ортиқ аҳоли қатнашди. Мазкур масала юзасидан назорат ишлари таъсирчанлиги кучайтирилмоқда.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

КЎРИК-ТАНЛОВ

Маънавият ва маърифат ишларини юқори даражага кўтариш, меҳнаткашлар, айниқса, ёшларнинг онги ва қалбида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш бугунги кунда касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

«Санъатим сенга, обод юртим!»

Кимё соҳаси бўйича Республика бирлашган касаба уюшма қўмитаси тизимидаги «Деҳқонобод калий ўғитлар заводи» унитар корхонасида касаба уюшма қўмитаси томонидан ишчи-ходимлар ўртасида Обод турмуш йилига бағишланган «Санъатим сенга, обод юртим!» бадиий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўрик-танловининг дастлабки босқичи ўтказилди.

Калий ўғитлари ишлаб чиқариш цехи автотарози оператори Муҳаррам Шодиева (анъанавий ижрочилик) биринчи, Марказий лаборатория сув таҳлили бўйича кимёгар-муҳандиси Дилфуза Қурбонова (якка рақс ижрочилиги) иккинчи, Техник-назорат бўлими намуна олувчиси Нурбек Чориев (эстрада қўшиқчилиги) ва механик-таъмирлаш цехи чилангари Панжи Нурбоев (якка чолғу ижрочилиги) учинчи ўринни қўлга киритишди.

Ўзбекистон халқ баҳшиси Абдуқаҳҳор Раҳимов айтган термалар, «Ниҳол» мукофоти вилоят босқичи ғолиби Фарҳод Тошқулов ижросидаги қўшиқлар тадбирга ўзгача файз бағишлади.



«Аммафос-Максам» ОАЖда ўтган кўрик-танловда ҳам ишчи-ходимлар санъат соҳасида ўз иқтидорларини намойиш этдилар. «Металлург» маданият марказида ташкил этилган тадбирда 17 нафар ишчи-ходим кўрик-танловнинг 5 та йўналиши бўйича ўз дастурлари билан қатнашди.

Танлов якунига кўра, Аммафос-3 цехининг ишчиси Ғофур Мамиров 1-, Илмий текшириш кимё-технология лаборатория ходимлари Евгения Чернишова ҳамда Ирина Подвинцевалар дуэти 2-ўринга муносиб деб топилди. Экстрацион фосфор кислотаси ишлаб чиқариш 2-цехи ишчиси Санжар Мирзаев хонандалик йўналишида 3-ўринни эгаллади.

Рақс йўналишида Илмий текшириш кимё-технология лабораторияси ходимлари Екатерина Работина, Зуҳра Носирова ҳамда Дилноза Эргашеванинг чиқишлари муносиб баҳоланди.

Кўрик-танлов ғолиблари корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан диплом ва совғалар билан тақдирланди.

З.ЎРИНБОЕВ,
Кимё соҳаси бўйича Республика бирлашган касаба уюшма қўмитаси етакчи мутахассиси

АФОРИЗМ

Гўзаллик туйғусини сингдирмай туриб, тўлақонли баркамол инсонни вояга етказиш мумкин эмас.

Р. ТАГОР

ИЗЛАНУВЧАН ЁШЛАР

Сулола давомчиси

Дилноза болалик чоғларидаёқ мусаввир бўлишни орзу қилар, мўйқалам усталарининг асарларини диққат билан кузатар ва тинмай машқ қиларди. Кейинчалик лой ва гипсдан турли ўйинчоқлар ясашни ўрганди. Улар ҳали санъат асари даражасига етмаган бўлса-да, нафис ва бежиримлиги билан яна бир истеъдод эгаси вояга етаётганлигидан дарак берарди. Дилноза Жиззах туманидаги 10-умумтаълим мактабини тугатгач, отаси Тўлқин Туропов ёрдамида якка тартибдаги ҳунармандчилик корхонасини ташкил этди.



Ҳеч ким бунга ажабланмади ҳам. Сабаби Туроб бобо ҳунармандчиликка қўл уриб, оила сулоласига асос солган эди. Ўғли Тўлқинжон унга издош бўлди. Дилноза эса бобоси ва отаси сингари рангтасвир ҳамда ҳайкалтарошлик сирларини қунт билан эгаллаб, улар бошлаган ишни давом эттирди. Айни чоғда жиззахликлар уни уста ҳунарманд сифатида яхши билишади.

Буюртмалар кўпайгач, кичик корхона саҳни кенгайтирилиб, зарур жиҳозлар билан жиҳозланди. Айни пайт бу ерда олти нафар уста меҳнат қилмоқда. Улар ҳар йили вилоят бўйича ўтказиб келинаётган турли ярмарка ва кўрик-танловларда гипсдан безак учун ишлатиладиган кошинлар, нақшлар, кичик ҳажмдаги ҳайкалча ва ўйинчоқлар, лойдан ишланган уй-рўзғор буюмлари каби ўз маҳсулотлари билан иштирок этишаётир.

Дилноза Туропова «Ташаббус — 2013» республика кўрик-танловида қатнашиб, «Энг ёш тадбиркор аёл» йўналиши бўйича ғолиб бўлди. «Халқаро туризм» республика кўргазмаларида эса фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Ҳар бир буюртмани бажараётиб, ўз орзуларимни кўзгуда кўраётгандай бўламан, — дейди Дилноза. — Энг муҳими, ясаганларимиз атрофдагиларга ёқаётганидан хурсандман.

Йигирма икки баҳорни қаршилаётган ҳунарманд қиз ўтган икки йил мобайнида Жиззах шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда Жиззах туманидаги 10-умумтаълим мактаби ўқувчиларига кўплаб сурат, ҳайкачалар совға қилди.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

РЕКЛАМА



Ўзбек давлат циркида «Хотира ва қадрлаш куни»га бағишланган дастур намойиш этилади.



Ушбу тематик спектаклда «Лабирус» болалар мусиқий жамоаси, Тошкент давлат Миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг хизмат кўрсатган қўшиқ ва рақс ансамбли, шунингдек, цирк артистлари иштирок этади.



Фақат бир кун. Барча авлодлар бир аренада.

Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Abdullayev
Navbatchi:
S.Abdurahmonov
Musahhih:
J.Ergashev

Bosishga topshirish vaqti - 20. 40
Topshirildi - 21. 30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 511 | 19831 nusxada bosildi | 1 2 3 5